

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
**№ 205803**

2022 йил 16 декабр

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжинииринг компанияси** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи компания директори **Д.М.Матмусаев** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Сифат Кафолат Стандарт Сервис» хусусий корхонаси номидан **Низом** асосида иш кўрувчи корхона рахбари **Р.Маматалиев**, иккинчи томондан **Наманган шахар Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш обьекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.**

**I. Тарифлар.**

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурода бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулияти конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартиbdаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзууси.**

2. **Пудратчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган **Наманган шахар Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш** обьекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. **Буюртмачи** эса **Пудратчига** курилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари хисобидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома бўйича **Пудратчи** томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 13 декабрдаги №205803-сонли баённома (лот №205803) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан **921 381 201** (тўққиз юз йигирма бир миллион уч юз саксон бир минг икки юз бир) сўмни ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 273 760 000 сўм маблағ молиялаштириб берилади. Қолган 647 621 201 сўм маблағ келгусида маблағ ажратилган сўнг молиялаштириб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қонунда белгиланган тартибда ёзма хабадор этиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари хисобиданажратилган маблағлардан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш, агарда маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари хисобидан ушбу объект қурилиши учун белгиланган муддатда етарли микдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз хисобидан ушбу объект бўйича маблағ тўлаш мажбуриятини олмайди;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 60 кун.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг 30 фоизи: - 276 414 360 (икки юз етмиш олти миллион тўрг юз тўрг минг уч юз олтиши) сўмни ташкил этиб, аванс маблаглари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. **Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш** жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб колган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари хисобидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий кийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул килинганлиги хакидаги қарор ва авизо тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнгколган 5 фоизли кафолат кийматини молиялаштириб берилиши хакида фойдаланувчи, Буюртмачи ва Пудратчилар иштирокида тузилган далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий кийматининг колган 5 фоизи маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари хисобидан жратилган маблағ хисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади. Ушбу 5 фоиз кафолат маблағлари учун етарли микдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз хисобидан ушбу объект бўйича 5 фоизлик кафолат маблагини тўлаш мажбуриятини олмайди.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Наманган туманларо иқтисодий судига мурожаат қилиш хукукига эгадир.

## VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориши тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгilaш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва вилоят Қурилиш соҳасидаги худудий назорат инспекциясиниёзма равишда хабардор килади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъуль конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг вилоят Қурилиш соҳасидаги худудий назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошидакўрсатилган холлар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиши чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Зарур холларда тендер қийматидан чикмаган холда, Пудратчи Буюртмачи билан келишув тузган холдаобъектдаги иш турларини белгиланган тартибда ўзгартириш мумкин.

## **IX. Ишларни қўриқлаш**

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

42. Агар томонлар иккى ой ичидаги келишига олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бирин шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда иккى нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёллари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентларёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлараниклини, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиши хукуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Курилишсоҳасиданозорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш хукуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандаги, пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёллари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилгандаги, бундан ташкари Буюртмачи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда, қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарлика тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари хисобидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг**30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёrlари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи вилоят Курилиш соҳасидаги худудий назорат инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тартиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар келишуви асосида ҳал этилмаган тақдирда, низоли масала қонун хужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иктисадий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлиdir.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасиликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрои органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмаслики кафолатлайди.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

**Намангандарёлийи хокимлигининг ягона  
буюртмачи инжиниринг компанияси**

Манзил: Намангандарёлийи Амир Темур к. 105

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги назначилиги

Ш.х.в\* 100021860144017083100135011

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар  
бон бошкармаси ҳисоб-китоб касса Маркази  
Ягона газна х/в 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Дилшод Махамматюсупович

М.У.

(Имзо)

«Сифат Кафолат Стандарт Сервис» х/к

Манзил : Уйчи т. Ёркургон КФЙ,

Миришкор кучаси 44а-уй

Телефон: 94-303-83-90, 97-252-00-90

х/р 2020 8000 4047 6418 6001

ТИФ Миллий банк Уйчи бўлими

МФО 00877 ИНН 301097923 ОКЭД 41201

Маматалиев Руслан



Хукукий экспертиза-хуносаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аникладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хукукий маслахатчиси

К.Тулашев «\_\_\_» 2022 й.

ПОЛИС № 1100/8909/1/22004166  
ОБЯЗАТЕЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РИСКОВ

АО "APEX INSURANCE", на основании Лицензии Министерства финансов Республики Узбекистан СФ за №00030 от 18.02.2022 года, Постановлением Кабинета Министров РУз «Об обязательном страховании строительных рисков при возведении объектов за счет государственных средств и кредитов под правительенную гарантию» за №532 от 20 декабря 1999 г., а также согласно нижеотмеченному Договору предоставляет страховую защиту:

## 1. СТРАХОВАТЕЛЬ:

«СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ СЕРВИС» Х/К

## 2. НАЗВАНИЕ КОНТРАКТА:

Наманган вилояти Наманган шахар, Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирилаш обьекти.

## 3. МЕСТО РАСПОЛОЖЕНИЕ ОБЪЕКТА:

Наманган вилояти Наманган шахар.

## 4. ДОГОВОР СТРАХОВАНИЯ:

№ 1100/8909/1/22004166 от 16.12.2022 г

## 5. ПЕРИОД СТРАХОВАНИЯ:

с 16 декабрь 2022 года по 01 март 2023 года (обе даты включительно).

## 6. СТРАХОВОЙ СЛУЧАЙ:

Согласно Договору

## 7. СТРАХОВОЙ СУММА:

составляет 737 104 960 (семьсот тридцать семь миллионов сто четыре тысячи девятьсот шестьдесят) Сум

а) Материальный ущерб

б) Ответственность

## 8. СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:

2 555 665,00 (два миллиона пятьсот пятьдесят пять тысяч шестьсот шестьдесят пять) Сум

## 9. ОПЛАЧЕННАЯ СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:


2 555 665,00 (два миллиона пятьсот пятьдесят пять тысяч шестьсот шестьдесят пять) Сум

Обязательства АО "APEX INSURANCE" по выплате страхового возмещения вступают в силу с 16 декабрь 2022 года и действуют до 24.00 часов 01 марта 2023 года (обе даты включительно).

За СТРАХОВЩИКА

Директор филиала

Низамбаев Б.А.



Дата выдачи: 16 декабрь 2022 г.

0290127



"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Наманган вилоят хокимининг  
ўринбосари

Наманган вилоят махаллий бюджети маблаглари хисобидан куриладиган объектлар бўйича

**МАНЗИЛИЙ РЎЙХАТИ**

(Наманган вилояти Кенгашининг 20.10.2022 йилодаги №VI-34-129-6-0-К22-сонли карорига асосан)

№	Объектларнинг номи ва жойлашви	Куриланиш бошчанини ва фойдаланишига топшонриш йили	Лоиха куввати	Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.22 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.22 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (кайта хисоблаши билан) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	Капитал кўйилмалари 2022 йилдаги истиқболи				2022 йилда фойдаланишига топшонриладиган				01.01.23 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (кайта хисоблаши билан) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	01.01.23 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш колдиги жумладан, буюртмачи бошка харажатлари	Лоиха экспертиза санаси ва рахами	Тендер суводлари тасдиқланган баённома санаси ва рахами	Пурдатчи курувчи ташкилот номи
							Жами	капитал	Шу жумладан				Жами	Буюртмачи харажатлари	Кувват/муудат	Асосий фонд суммаси			
									кўйилмалари	Жихозлар	Жами	Шу жумладан буюртмачи харажати							
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Наманган шаҳар Янги Наманган Фирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмусини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект	956,321 34,940	956,321 34,940	956,321 34,940	956,321 34,940	300,000	273,760		26,240		Объект				03.12.2022 й №80050	13.12.2022й №205803	"СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ СЕРВИС"Х.К
2	Наманган тумани Тошбулук шахарчаси 2-БўйСМ ўйингхонини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект	390,158 18,460	390,158 18,460	390,158 18,460	390,158 18,460	200,000	185,140		14,860		Объект				02.12.2022 й №80003	13.12.2022й №205291	"ГУМБАЗ МАДАД КУРУВЧИ ФАЙЗ"МЧЖ
3	Тўракўрон тумани 2-БўйСМга карашли ёшлик марказий ўйингхонини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект	1 518,890 48,090	1 518,890 48,090	1 518,890 48,090	1 518,890 48,090	700,000	666,810		33,190		Объект				23.11.2022 й №77270	05.12.2022й №197767	"OSIM QURILISH DIZAYN"Х.К
4	Уйчи тумани 9-БўйСМ ўйингхонини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект	548,200 25,650	548,200 25,650	548,200 25,650	548,200 25,650	200,000	179,550		20,450		Объект				03.12.2022 й №79994	13.12.2022й №205801	"JO RABEK QURILISH SERVIS"Х.К
	Жами							1 400,000	1 305,260		94,740								

Изоҳ: \*) Етишмаётган маблаг тегишили манбаалардан ажратилгандан сўнг молиялаштириб берилади

Вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инженеринг компанияси директори



Д.Матмусаев

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 205803 на приобретение Наманган шахар Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 13.12.2022

Время рассмотрения 13.12.2022 18:30

Закупочная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Директор	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
<b>Секретарь комиссии</b>	RIZAYEV G'OFIRJON G'ULOMJONOVICH	бош мутахасси	вилоят хокимлигининг ЯБИК
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош қармаси
<b>Член комиссии</b>	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	бўлим бошлиғи	Наманган вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассиси	Монополияга қарши курашиб қўймитасининг Наманган вилоят худудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	ўринбосар	Наманган вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.12.2022 года № лота 205803.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту нежилого здания
Подробное описание	Курилиш таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	273 760 000.00
Стартовая сумма	273 760 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту нежилого здания</b>
Подробное описание	Курилиш таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	652 251 257.00
Стартовая сумма	652 251 257.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Объект учун таклафларни курилиш пудрат реестридан ўтган "С" категориялик ва ундан юқори бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин

Тип: Текстовое значение

Описание: Объект учун таклафларни қурилиш пудрат реестридан ўтган "С" категориялик ва ундан юқори бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин (реестдан ўтганлик тўғрисида маълумот илова килинади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	5	Қурилиш пудрат реестридан ўтганлик тўғрисида маълумот	5	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	5	қурилиш пудрат реестридан ўтганлиги тугрисида	5	Экспертная		

Критерий №2 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	20	Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	17	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	20	Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	13	Экспертная		

**Критерий №3** Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	5	мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот	1	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	5	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот	1	Экспертная		

**Критерий №4** Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	16	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	15	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	16	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	12	Экспертная		

**Критерий №5** Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	10	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари	10	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	10	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари	10	Экспертная		

Критерий №6 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	2	Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл, тижорий таклиф	1	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	2	Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	1	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	19	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	15	Экспертная		
<b>САРКОР</b>	19	Танлов	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>		иштирокчисининг молиявий аҳволи				

Критерий №8 Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	2	Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома	1	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	2	Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома	1	Экспертная		

Критерий №9 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	21	Машина ва механизмлар рўйхати	17	Экспертная		
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	21	Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл	13	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	926 011 257.00	925 991 093.00 UZS	925 991 093.00	00.00	925 991 093.00	12.12.2022 17:45:05	9.95022
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	926 011 257.00	921 381 201.00 UZS	921 381 201.00	00.00	921 381 201.00	12.12.2022 15:49:37	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК</b>	63.9	9.95022	73.85022
<b>СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК</b>	73.8	10	83.8

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 205803 от 13.12.2022 года на приобретение Наманган шахар Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш определила победителем:

**СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ С-С ХК**  
301097923

и резервный исполнитель: САРКОР КУРУВЧИ ФАЙЗ ХК (300570074)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“16” декабр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2022 йил “5” декабрдаги 22110012205803-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шахар Динамо футбол майдони ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «СИФАТ КАФОЛАТ СТАНДАРТ СЕРВИС»х.к томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail: namexpert@umail.uz www.mc.uz [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:03-12-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 80050**

**Obyekt nomi** «Namangan shahar “Dinamo” futbol maydoni yordamchi binosini mukammal ta'mirlash»

**Buyurtmachi** - Namangan viloyat hokimligining Yagona buyurtmachi injiniring kompaniyasi

**Bosh loyihachi** - “NAMANGAN SANOAT LOYIXA” xususiy korxonasi  
**Litsenziya** AL-000903 18.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet

**Bosh pudratchi** - Tender asosida

**Qurilish turi** Mukammal ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 67216

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri tomonidan tasdiqlangan 29.04.2022 yildagi 91-sonli bayoni (29.04.2022 y., reg.№ 07-07/1-4053).

1.2. Xalq deputatlari Namangan viloyati kengashining 20.10.2022 yildagi VI-34-129-6-0-K/22-sonli qarori.

1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan va Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.4. “NAMANGAN SANOAT LOYIXA” xususiy korxonasi tomonidan 2022 yilda bajarilgan texnik tekshirish natijalari bo'yicha xulosa.

1.5. Loyerha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 2022 yildagi 229-sonli shartnoma.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. “Ishchi loyiha”ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvni.
- Yordamchi bino. Arxitektura va qurilish, isitish va shamollatish, suv va oqavasuv ta'minoti, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya qismlari.
- Tribuna. Arxitektura va qurilish qismi.
- Bosh reja va tashqi muhandislik tarmoqlari.

- Smeta hujjatlari.

### **3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

#### **3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**

Mukammal ta'mirlanayotgan yordamchi binosi Namangan shahar Yangi Namangan tumani hududida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiylar sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Yerni tuzilish relefi - tekis.

#### **3.2. Bosh reja.**

"Dinamo" jismoniy tarbiya-sport jamiyatining mavjud 22500 m<sup>2</sup> hududida joylashgan: mavjud bino va inshootlar, mukammal ta'mirlanayotgan sportzal va tribuna. Hudud obodonlashtirilgan va ko'kalamzorlashtirilgan.

#### **3.3. Loyihaning asosiy yechimlari.**

##### 1. Yordamchi bino (mukammal ta'mirlash)

Bino - 1 qavatli, yerto'lasiz, pishiq g'ishtdan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, "A-B" va "1-2" o'qlar bo'yicha 6,0mx33,7m o'lchamda, xonalar balandligi - 3,1m. Texnik xulosaga ko'ra binolarning umumiy xolati qoniqarli. Mukammal ta'mirlash jarayonida deraza va eshik bloklarini yangilash, pollarni almashtirish, qisman pardadevorni montaj qilish, ichki va tashqi pardozlash ishlarini bajarish, isitish, shamollatish, ichimlik va oqavasuv, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya tizimlari ta'mirlash va qurish, shuningdek loyihaga asosan boshqa ishlarni bajarish ko'zda tutilgan.

##### 2. Tribuna (mukammal ta'mirlash).

Loyihaga asosan ta'mirlash ishlarini bajarish ko'zda tutilgan.

##### 3. Projektorlar machtasi uchun poydevor - 4 dona (yangi qurish).

Loyihada 5x5x2,6m o'lchamdagiga quyma temir-betondan (beton V-20) bo'lgan yer osti poydevori qurish ko'zda tutilgan.

### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

4.1. Muhandislik ta'minoti - mavjud tarmog'idan nazarda tutilgan.

### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- Bosh reja Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi va Namangan shahar Yangi Namangan tumani Qurilish bo'limi bilan kelishilgan.

- Xonalar joylashtirish rejasiga O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi "Dinamo" jismoniy tarbiya-sport jamiyati Namangan viloyati kengashi bilan kelishilgan.

### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarining izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy

tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Xonalar joylashtirish rejasi "Dinamo" JTSJ Namangan viloyati kengashi bilan – kelishildi.

6.1.2. Umumiy ma'lumotlar varag'i – o'zgartirildi.

6.1.3. PVX derazalar kamera soni – ko'rsatildi.

6.1.4. Pollar tasnifi jadvali – o'zgartirildi.

6.1.5. Projektorlar machtasi uchun poydevor hisobi – taqdim etildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan loyiha qiymati **926011,257 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	786868,981	ming so'm
Asbob-uskunalar:	18358,199	ming so'm
QQS:	120784,077	ming so'm
- Bundan tashqari		
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	37040,450	ming so'm

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovni natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan shahar "Dinamo" futbol maydoni yordamchi binosini mukammal ta'mirlash" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich